

МАДАНИЙ ЯЙЛОВЛАР ЧЎЛ ЧОРВАЧИЛИГИНИ САМАРАЛИ ТАШКИЛ ЭТИШ ОМИЛИ СИФАТИДА

Ш.Р.Убайдуллаев-ҚМШИ,доцент

Чўл ва чала чўл шароитида чорвачилик, хусусан қоракўлчиликни самарали ташкил этиш унинг асосий озуқа базаси ҳисобланган табиий яйловлар ҳосилдорлигига боғлиқ. Табиий яйловлар ҳосилдорлигининг пастлиги (ўртача гектарига 1,5 - 3,0 ц), ҳосил миқдорининг йиллар ва фасллар бўйича кескин ўзгариб туриши, умумий майдонининг камайиб (суғориладиган деҳқончилик учун ўзлаштирилиши, янги аҳоли яшаш пунктларининг барпо этилиши, янги йўллар ва бошқалар) кетиши ҳамда ўсимлик қопламини антропоген таъсирлар (геология-қидирув ишлари, газ қувурлари, электр узатиш линиялари ва бошқалар) натижасида емирилиши чўл чорвачилигини муттасил ривожланишига тўсқинлик қилмоқда.

Республикаимизнинг қатор илмий-тадқиқот муассасалари (“Ботаника” ИИБ, Ўзбекистон қоракўлчилик ва чўл экологияси илмий текшириш институти ва бошқалар) олимлари томонидан олиб борилган тадқиқотлар асосида чўл ва чўл яйловлари ҳосилдорлигини ошириш, улардан самарали фойдаланиш ва табиий яйловлар яратиш технологиялари ишлаб чиқилган.

Ўзбекистон қоракўлчилик ва чўл экологияси илмий текшириш институти томонидан ишлаб чиқилган яйловлар алмашинувини жорий этиш, уларга қисқа муддатли дам бериш, қорасаксовул ихотазорлари барпо этиш технологиялари табиий яйловлар ҳосилдорлигини ошириш ва улардан иқтисодий, экологик ва хўжалик жиҳатдан самарали фойдаланиш имконини беради ҳамда чўл яйловлари ўсимлик қопламини емирилиши ва эрозия ўчоқлари пайдо бўлишини олдини олади.

Яйловлардан мавсумлар, йиллар давомида алмашлаб фойдаланишни ташкил этиш ўсимлик қопламини қайта тиклаш ҳамда ҳосилдорликни ошириш ва яйловларда чорва моллари сиғимини 20-30 фоизга кўпайтириш имконини беради.

Яйловлар ҳосилдорлигини оширишда қорасаксовул ихотазорлари барпо этиш ҳам катта аҳамиятга эгадир. Чунки ихотазорлар шамол тезлигини пасайтиради, қишда қор тўпланишини яхшилайдди, ўсимликларнинг қуриб қолган ер устки қисмини шамол учириб кетишдан асрайди. Ихотазорлар оралиғидаги табиий яйлов ўсимликлари эса тупроқда намнинг кўпроқ тўпланиши натижасида яхши ривожланиб кўпроқ ҳосил беради. Ихотазорлар барпо этилган яйловларда ҳосилдорлик (қорасаксовул ҳосили билан бирга) табиий яйловларникига нисбатан икки бароварга ошади. Шу билан бирга қорасаксовулзорлар чорва молларини ёзда жазирама иссиқдан, қишда эса қаҳратон совуқдан асрайди.

Маданий яйловлар барпо этиш чўл чорвачилигини ривожлантиришнинг энг муҳим омили ҳисобланади. Бутун йил давомида ва мавсумий фойдаланишга мўлжалланган маданий яйловларда ҳосилдорлик табиий яйловларникига нисбатан 3-4 баробар ортиқ бўлади. Уларни барпо этиш учун қўлланиладиган қорасаксовул, чоғон, терескен, изен, қуйровуқ, шувуқ, камфоросма, пахтабош ва бошқа ўсимликлар чўл шароитида ўсишга мослашган, юқори ва сифатли ем-хашак ҳосили тўплайди. Маданий яйловлардан иккинчи йилдан бошлаб 20-25 йил мобайнида фойдаланиш мумкин. Шу билан бирга маданий яйловлар чорва моллари сифимини 4-5 мартагача ошириш имконини беради. Юқоридагилар чўл ва чала чўл шароитида маданий яйловлар барпо этиш чўл чорвачилигини самарали ривожлантиришнинг иқтисодий жиҳатдан энг самарали йўналиши эканлигини кўрсатади.

